2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 122 (1183), 2024 йил 21 июнь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

МУҲАНДИСЛИК СОҲАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки фаолияти билан танишди, муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди.

“Inno” инновацион технопарки уч йил олдин бунёд этилган. Бу ерда саноат соҳаларини ривожлантириш учун инновацион ғоя ва ихтиролар ишлаб чиқилади. Ёшларни замонавий касбларга ўргатиш мақсадида олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили 15 минг нафарга яқин талаба ва ўқувчилар иштирокида семинар, амалий машғулотлар ташкил этилади.

Юртимизда бундай инновацион марказлар кўпайиб бормоқда. Саноат, энергетика ва ахборот технологиялари ривожланиб, янги-янги мажмуалар ишга туширилмоқда. Улар учун замонавий билим ва малакага эга муҳандис ва техниклар керак.

Шу ерда Тошкент давлат техника университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Тошкент давлат транспорт университети, Фарғона политехника институти, Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида ташкил этилаётган олий муҳандислик мактаблари тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги қарорида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, қарорга мувофиқ, муҳандислик-техника йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолияти такомиллаштирилмоқда. Амалдаги ўқув дастурларининг замонавий технологиялар ва иш берувчилар талабига мувофиқлиги ўрганилиб, тубдан ўзгартирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига шулар ҳақида маълумот берилди.

Дастлабки босқичда 10 та олий таълим муассасаси ҳузурида олий муҳандислик мактаблари очилади. Мактабнинг кузатув кенгашига олимлар билан бирга ҳамкор корхоналар вакиллари аъзо бўлади.

Ушбу мактабларда икки йиллик амалий магистратура дастурлари йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарувчилар буюртмаси асосида номзодлар саралаб олинади. Биринчи йил талабалар корхоналар буюртмаси асосида янги маҳсулотларни лойиҳалаштиради, илмий изланишлар ўтказади, бу борада чуқурлашган модул дастурлар асосида ўқитилади. Иккинчи йил янги маҳсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнларни корхоналарда синовдан ўтказади.

Президент олий таълим муассасаларидаги илмий изланишларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигига аҳамият берди. Таълим тизимига қаратилаётган эътибор илм-фан ютуқларида ўз ифодасини топиши кераклиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари олимларнинг ихтиролари, илғор ишланмалар билан ҳам танишди. Жумладан, энергия тежамкор ускуналар, юклама ортиши сабаб трансформаторлар портлашидан ҳимояловчи совитиш тизими, нефть-газ соҳасида муҳим бўлган кимёвий реагентлар, бунёдкорлик, йўлсозликдаги замонавий ёндашувлар, сув иншоотлари учун муҳандислик лойиҳалари, ахборот технологияларига оид замонавий ихтиролар ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда рақобат кучайган бугунги замонда мамлакатимиз ички ресурсларга таяниб, индустриал ривожланиш йўлидан бормоқда. Йилига 3 мингта саноат корхонаси ишга туширилиб, 150 минг атрофида иш ўрни яратиляпти.

Жорий йилда давлат инвестиция дастурлари асосида 21 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилади. Шунингдек, бу йил 37,5 миллиард долларлик хорижий ва ҳудудий инвестиция лойиҳалари назарда тутилган.

Шунга мутаносиб равишда давлат томонидан илм, таълим ва инновацияга эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган тўрт йилда 1 минг 727 та амалий, инновацион, фундаментал ва стартап лойиҳаларга 2,2 триллион сўм йўналтирилган. Тадқиқот, тажриба-конструкторлик учун харажатлар 2 баробар ўсган.

Лекин бу борадаги натижалар, юқори малакали муҳандислар ҳали етарли эмас. Олий ўқув юртлари билан саноат ўртасида узилиш бор.

Шу боис йиғилишга техника йўналишидаги муассасалар ректорлари ҳам таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало соҳадаги муаммоларга тўхталиб ўтди.

Юртимизда техника йўналишидаги 36 та давлат олийгоҳида йилига 67 минг битирувчи чиқади. Аммо улардаги дастур ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабига мос эмас. Оқибатда муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишда ишламаяпти.

Олий таълим муассасалари фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чекланган, иқтисодиёт учун амалий ишланмалар жуда кам. Муҳандислик йўналишида юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар “қоғоз”да қолиб кетяпти.

Хорижий университетларда “таннарх муҳандислиги” “қиёслаш муҳандислиги”, “қайта муҳандислик” каби ихтисосликлар бор. Биздаги техника олийгоҳларида бу йўлга қўйилмаган. Оқибатда маҳаллий саноат тармоқлари катта маблағ сарфлаб, ишчиларини хорижда ўқитишга ёки четдан мутахассис олиб келишга мажбур.

Охирги етти йилда олий таълим қамрови 5 баробар ошган бўлса-да, ёшларнинг муҳандислик-техникага қизиқиши жуда паст. Университет ва илмий лабораторияларнинг айрим ускуналари эскирган. Кўп профессор-ўқитувчилар амалиётдан узилиб қолган. Ректорлар корхоналарга бориб, янги технологиялар билан танишмайди, ускуна ва дастгоҳларни ўрганмайди.

Сўнгги тўрт йилда олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот учун тузган шартномалари 3 карра кўпайган. Улардан даромад 6 карра ошган. Лекин илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда паст. Ихтироларни патентлашда ҳам ҳамма бирдек эмас.

Президентимиз соҳани ривожлантириш учун янги ташаббусларни маълум қилди.

Энди техника йўналишида ўқитиш ва илмий-тадқиқот жараёнлари илғор тажриба асосида тўлиқ ўзгаради. 36 та олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари босқичма-босқич йириклашиб, жами 20 та олийгоҳ қолади. Улар дуал таълим тизимига тўлиқ ўтади.

Меҳнат бозорида талаб йўқ мутахассисликлар қисқаради. Айрим кафедралар бирлаштирилади. Деканатларнинг талабаларга хизмат кўрсатиш функциялари тўлиқ рақамлашади. Хориждаги каби “Регистратор офиси” ташкил қилинади.

Ҳар бир олийгоҳ Германия, Япония, Хитой, Россия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур каби ривожланган давлатлар нуфузли техника университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

“Тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжири асосида, ҳар бир олийгоҳга саноат ҳамкори белгилаб берилади.

Барча муҳандислик олийгоҳлари ҳамкор корхоналарида кафедралар очади ва дуал таълимни йўлга қўяди. Бунда, корхоналар кафедраларни жиҳозлаш, ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантиришга маблағ ажратади. Талабаларнинг амалиёти ва битирув курсдаги таълими тўлиқ ҳамкор корхоналарда ташкил қилинади.

Вазирлик ва корхоналар тизимида 32 та тармоқ кенгашлари ташкил қилинади. Улар институтлар билан техника соҳаларидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва буюртмачи бўлади.

Шунингдек, биринчи босқичда 10 та олийгоҳда “Олий муҳандислик мактаблари” очилади. Уларда икки йиллик амалий магистратура дастурлари йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарувчилар буюртмаси асосида номзодлар саралаб олинади. Корхоналар “Олий муҳандислик мактаби”да лаборатория очиш ва жиҳозлашни молиявий қўллаб-қувватлайди. Давлат ҳам бюджетдан маблағ ажратади.

Энди олий таълим муассасаларининг тажриба ишлаб чиқариш корхоналари мақоми қонун билан мустаҳкамланади. Уларга IT-парк резидентларига қўлланилаётган имтиёзлар берилади. Шўъба корхонаси ишчисининг камида 60 фоизи докторант ва талабалардан иборат бўлади.

Келаси йилдан техника йўналишидаги лойиҳаларга давлат грантлари 4 карра оширилади. Корхонага олийгоҳ билан ҳамкор ташкилот ҳам таъсисчи бўлишига рухсат берилади.

Вилоят ҳокимлари ва тармоқ раҳбари илмий ва ишлаб чиқариш лойиҳалари учун олийгоҳларга 10 миллиард сўмгача буюртмани тўғридан-тўғри бериши мумкин бўлади.

Инвестиция лойиҳалари қийматининг камида ярим фоизини илмий ишларга ажратиш тизими жорий қилинади.

Муҳандислик йўналишлари бўйича “энг яхши ғоя”, “энг яхши лойиҳа” ва “энг яхши ихтиро” республика танлови ўтказилади. Унда ўқитувчилар, талабалар ва амалиётчи муҳандислар иштирок этиши мумкин бўлади. Биринчи ўринга электромобиль берилади.

Шунингдек, ғоя, лойиҳа ва ихтиро муаллифи бўлган энг зўр 10 нафар иштирокчи Германия, Япония, Хитой, Россия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларга стажировкага юборилади.

Йиғилиш очиқ мулоқот тарзида давом этди. Тармоқ раҳбарлари, олимлар, ректорлар ва муҳандислар соҳада илм-фан ва таълимни ривожлантириш бўйича фикрларини айтди.

Уларнинг таклифлари асосида алоҳида фармон лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.


— Иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун бизга юқори малакали муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари, ректор ва профессор-ўқитувчи масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ ишласа, изланса, бунга албатта эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

Муносабат

ЯНГИ ЗАМОН МУҲАНДИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЗАРУРАТГА АЙЛАНМОҚДА

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида “Inno” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бу йўналишда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.





Давлатимиз раҳбари бугунги мураккаб вазиятда барча давлатлар ички ресурсларига таяниб, инновацияга интилаётгани, мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда илм, таълим ва инновацияга эътибор тубдан ўзгарганини, истиқболли лойиҳалар, тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари учун йирик маблағлар ажратилаётганини қайд этиб, соҳадаги муаммо ва ечимларга тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, яъни олийгоҳлар фундаментал тадқиқотлар ўтказиш билан чекланган, иқтисодиёт учун амалий ишланмалар жуда камлиги, муҳандислик йўналишида юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар амалга ошмай қолиб кетаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Олийгоҳ билан саноат ўртасида узилиш борлиги, ректорлар корхоналарга бориб, янги технологиялар билан танишмаётгани, ускуна ва дастгоҳларни ўрганмаётгани, ҳоким ва вазирлар эса ўртада кўприк бўлиб, буни ташкиллаштирмаётгани асосий сабаблардан экани таъкидланди.

Президентимиз техника йўналишдаги муаммоларга ҳам эътибор қаратиб, бу борада ҳам ечимини кутаётган муаммолар борлиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш кераклигини билдирди.

Ҳозирда йилига 3 мингта саноат корхонаси ишга туширилиб, уларда 150 минг атрофида иш ўрни яратилмоқда. Унинг 35 мингтаси техника йўналишидаги иш ўринларидир. Шу билан бирга, техника олийгоҳларида йўналиш ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабларига мос эмаслиги ва муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишида ишламаётгани, аниқ мутахассисга шунча эҳтиёж бўла туриб, тармоқлар ректорлар билан ҳамкорлик ўрнатмагани, олийгоҳларга буюртма бермаётгани тезкор ечим топиш ва ёндашишни тақозо этади, албатта.

Кейинги йилларда олий таълим қамрови 5 баробар, яъни 9 фоиздан 42 фоизга ошган бир пайтда ёшларнинг муҳандислик-техникага қизиқиши жуда пастлиги, 2023 йил сўровномасида атиги 8 фоиз мактаб битирувчиси шу соҳани танлагани ачинарли ҳолдир. Қолаверса, профессор-ўқитувчилар амалиётдан узилиб қолгани, муҳандислик бўйича профессор-ўқитувчиларнинг 40 фоизи сўнгги 5 йилда малака оширмагани, баъзи университетларнинг илмий лабораторияларидаги ускуналар эскиргани айтиб ўтилди.

Шунингдек, “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжири асосида ҳар бир олийгоҳга саноат ҳамкори белгилаб берилиши, барча муҳандислик олийгоҳлари ҳамкор корхоналарида кафедраларини очиши ва дуал таълимни йўлга қўйиши, талабаларнинг амалиёти ва битирув курсдаги таълими тўлиқ ҳамкор корхоналарда ташкил қилиниши ва бошқа муҳим йўналишлар белгилаб берилгани, нафақат тармоқ ва муассаса ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, балки ишларимизнинг самарадорлигини ҳам ошириши табиий.

Давоми 2-бетда

Сарҳисоб

ИШБИЛАРМОНЛИК ТАФАККУРИ ОЗИҒИ

Тадбиркорлар билан ўтган йилги учрашувда кўтарилган масалалар амалиётга қанчалик татбиқ этилди?


Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини аҳамияти ёки қиймати нуқтаи назаридан бир-бири билан асло қиёслаб бўлмайди. Зотан, ҳар бир соҳа ва йўналишдаги таркибий ислоҳотлар муносиб турмуш шароити яратиш, тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, умуман, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Агар ана шундай шартли зарурат юзага келадиган бўлса, “аввал иқтисодиёт” тамойили ва ушбу йўналишдаги ишлар кўламидан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чораларни энг аҳамиятлиси, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, тадбиркорлик ривожи, аввало, иқтисодиёт барқарорлиги, ўз навбатида, барча йўналишдаги ислоҳотлар самарадорлигида молиявий дастак вазифасини ўташи билан устуворликка эга.

Шу боис, кейинги йилларда юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бизнес юритишни енгиллаштириш, маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, лицензиялаш жараёнини соддалаштириш, хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилди. Тадбиркорлик фаолияти кафолати билан боғлиқ ҳуқуқлар янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Бизнесни давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган тартиботлар сони 3 тагача, сарф қилинадиган вақт эса 5,5 кундан 3 кунгача қисқарди. Рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 3,2 фоиздан 2,2 фоизгача камайди.

Давоми 3-бетда



Навоий машинасозлик заводи ҳудудида университет технопарки ташкил этилгани талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга катта имконият яратди. Шунингдек, мазкур технопарк ушбу олийгоҳ магистрлари, мустақил изланувчилари, докторантлари илмий тадқиқот ишларини амалга ошириши учун тажриба-синов майдонига айланди. Ушбу паркда айни пайтда комбинат ва университетнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида хўжалик шартномаларига мувофиқ, қиймати 10 миллиард сўмлик 11 та илмий тадқиқот лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 21 июнь, 122-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Муносабат

ЯНГИ ЗАМОН МУҲАНДИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЗАРУРАТГА АЙЛАНМОҚДА



Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси — бош директори

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда тегишли вазирлик ва корхоналар тизимида 32 та тармоқ кенгашлари ташкил қилинади. Улар олийгоҳлар билан техника соҳаларидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва буюртмачи бўлади.

Бир сўз билан айтганда, танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилиш соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, муаммолар мавжудлиги ва бу ҳар биримиздан ўз вазифамизга масъулият билан ёндашиб, янада қатъий ишлашни талаб этади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси технологиялар ва инновацияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ. Бугунги сиёсат ушбу глобал муаммоларга ечим топишга қаратилган. Мазкур йўналишдаги муҳим вазифалардан бири, бу — илм-фан ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор, замонавий муҳандислик технологияларига доир билимларни пухта эгаллаган, юқори малакали муҳандислар тайёрлаш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда саноат корхоналар сони йилдан йилга ортиб, саноат тармоқлари иқтисодиётимизнинг драйвер соҳасига айланиб бораётгани, яратилаётган янги иш ўринлари меҳнат бозорида замонавий технологик жараёнларни бошқаришга қодир муҳандислар тайёрлаш заруратини юзага келтирмоқда. Бу талабни қондириш мақсадида, давлатимиз раҳбари бошчилигида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон замини қадимдан дунё тамаддунида илм-маърифат маскани, маънавият ўчоғи, башарият цивилизациясининг бешикларидан ҳисобланади. Бу анъана янги тарихий даврда ҳам давом этиб, илм-фанимизни юқори чўққиларга олиб чиқиш, ютуқларни ҳаётга татбиқ этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни талаб этмоқда. Рақобат кучайиб бораётган бугунги замонда мамлакат тараққиётини илм-фан ютуқларисиз ҳамда уларни ишлаб чиқаришда муваффақиятли татбиқ этишсиз тасаввур қилиш қийин.

Давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан илм-фан ривожланади. Шу боис, республикамиз таълим соҳаси, илмий жамоатчилиги учун барча ҳуқуқий асослар, кенг шароит ва имтиёзлар яратиб берилмоқдаки, бу имкониятлар юрт тараққиёти, соҳалар ривожига муносиб хизмат қилмоқда. Натижада фан, таълим, инновация уйғунлашиб, жадал тараққий этмоқда.

Кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни ва бошқа ҳужжатлар соҳага қаратилган юксак эътибор намунаси бўлди. Бу ҳуқуқий ҳужжат олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, олимлар, ёш тадқиқотчилар учун изланишлар олиб бориш, интеллектуал ва илмий салоҳиятини рўёбга чиқаришида мустаҳкам замин яратди.

Пировардида, фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш йўлидаги натижалар кўлами кенгайиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Яратилаётган кашфиёт ва ихтиролар, ишланма ва таклифлар юрт тараққиёти, соҳалар ривожини таъминламоқда. Олим ва мутахассисларимизнинг илмий ва инновацион салоҳияти туфайли яратилаётган маҳсулот ва технологиялар нафақат Ўзбекистонда, балки ривожланган мамлакатларда ҳам тан олинмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновациялар ва илм-фан интеграциясига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнига илм-фан ютуқлари, рақамлаштириш ва инновацион ечимларга асосланган технологияларни кенг жалб қилиш маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаб, таннархини камайтиради.

Бугун мамлакатимиз саноатининг байроқдори бўлган Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 105 та инновацион лойиҳани ўз ичига олган “2026 йилгача Навоий кон-металлургия комбинатини инновацион ривожлантириш дастури” амалга оширилмоқда. Ушбу дастурга киритилган 41 та йўналиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришда комбинат республиканинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Миллий технологик тадқиқотлар университетининг Олмалиқ филиали, Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг ҳузуридаги Ядро физикаси, Физика-техника ва Микробиология институтлари, бошқа муассасалар шулар жумласидандир.



Мисол учун, айни пайтда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан қиймати 24,4 миллиард сўмлик 30 та инновацион лойиҳа, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети билан қиймати 18,7 миллиард сўмлик 24 та хўжалик шартномаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунёда табиий бойликлар ва ресурслар захираси чекланган ҳамда йилдан йилга камайиб, тақчиллашиб боряпти. Бу эса ўз-ўзидан иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, инсоният ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, яқин келажакда жиддий муаммоларни юзага келтириши табиий. Бундай хавф-хатарлар барча давлатлар қаторида, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бунга қарши давлатимиз раҳбари бошчилигида фан, таълим, инновация ва уларнинг интеграциясига алоҳида эътибор бериш орқали кўрилаётган чоралар, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳаларни инқироздан сақлаб келяпти. Қуйида уларнинг баъзи бирларига тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Улардан бири — бутун дунёни ташвишлантираётган сув муаммоси. Шу боис, комбинат маъмурияти бу масалага жиддий қараб, унинг ечимига илмий жиҳатдан ёндашмоқда. Яъни сув ресурсларидан самарали фойдаланиш илмий тадқиқот ишларининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бунинг учун “2022-2026 йилларда сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш дастури” қабул қилиниб, унда 78 та инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Буни тўла амалга ошириш келгусида ишлаб чиқаришдаги айланма ва оқова сувларни қайта ишлатиш ҳамда юқори минераллашган сувларнинг улушини ошириш орқали табиий сув ҳавзаларидан олинаётган 25,3 миллион кубометр сув ресурслари тежаш ва ўз навбатида 91,4 миллиард сўм маблағни



иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ер ости сувларини тозалаш қурилмаси яратилиб, истеъмолга яроқли бўлган ичимлик сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани муҳим янгиликлардан бири бўлди. Бундай ишларда, ҳеч шубҳасиз, қарийб 50 минг кишилик улкан жамоа сафида давр билан ҳамқадам фаолият олиб бораётган фан докторлари, фан номзодлари, ёш тадқиқотчилар, ихтирочи ва рационализаторларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, комбинат олим ва мутахассислари бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Изланишлар, янги дастурлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Навоий кон-металлургия комбинатини инновацион ривожлантириш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани эзгу ташаббуслардан биридир.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун ҳар бир корхона ўзининг кадрлар тайёрлаш мактаби, уларга касб сирларини ўргатиш бўйича етарли моддий-техник базага эга бўлиши керак. Навоий кон-металлургия комбинатида бугун шундай кенг шароитлар мавжуд. Корхонанинг ёш, интилувчан мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, назарий ва амалий билим кўникмаларига эга кадрлар тайёрлаш бўйича Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети билан йўлга қўйилган мустаҳкам ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Масалан, Навоий машинасозлик заводи ҳудудида университет технопарки ташкил этилгани талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга катта имконият яратди. Шунингдек, мазкур технопарк ушбу олийгоҳ магистрлари, мустақил изланувчилари, докторантлари илмий тадқиқот ишларини амалга ошириши учун тажриба-синов майдонига айланди. Ушбу паркда айни пайтда комбинат ва университетнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида хўжалик шартномаларига мувофиқ, қиймати 10 миллиард сўмлик 11 та илмий тадқиқот лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Бу ҳамкорлигимизнинг яна бир амалий натижаси сифатида ишлаб чиқариш бўлинмаларимизда университетнинг металлургия, машинасозлик технологияси, кончилик электромеханикаси, автоматлаштириш ва бошқарув мутахассислик кафедралари филиаллари ташкил этилганини айтиш мумкин. Ушбу кафедра филиалларида талабаларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулотлар ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий салоҳиятли мутахассислари томонидан ўтиши йўлга қўйилган. Ўқув ва илмий тадқиқот жараёнларига комбинатда фаолият олиб бораётган 8 нафар фан доктори ва 24 нафар фан номзоди жалб этилиб, улар назарий билимлар бериш билан бирга, талаба ва аспирант тадқиқотчиларга илмий раҳбар сифатида бириктирилган.

Шунингдек, комбинат томонидан талабалар 12 ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун тўлиқ имконият яратилиб, уларни амалиёт даврида иш ўрни билан таъминлаш ва ойлик иш ҳақи тўлаш йўлга қўйилган. Шу билан бир қаторда, университет битирувчиларига амалиёт ўтган корхоналарида ишга жойлашиш имконияти яратилган. Биргина, жорий 2024 йилда ушбу олийгоҳни тамомлаётган 588 талабанинг 442 нафарини комбинат бўлинмаларига ишга қабул қилиш режалаштирилган.

Ҳамкорликда амалга оширилган ташаббусларимиздан яна бири, бу — Навоий машинасозлик заводида “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” кафедраси ташкил этилди. Кафедрада маҳаллийлаштириш бўйича ўқитиладиган фанларнинг амалий машғулотлари ҳамда мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда университет томонидан Навоий машинасозлик заводида импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича 2 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа якуни билан 1,1 миллион долларлик валюта маблағлари тежалиши кутилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари самарасини ошириш, замон талабларига жавоб берадиган устувор илмий тадқиқотлар йўналишларини ривожлантириш, олиб бориладиган илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш мақсадида, комбинат ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 13 миллиард сўм бўлган аналитик асбоб-ускуналар, яъни замонавий сканерловчи электрон микроскоп қурилмаси сотиб олинди. Мазкур замонавий ускуналар ёрдамида нафақат Навоий вилояти саноат корхоналари, балки республика ҳамда халқаро миқёсда фаолият юритаётган корхоналар муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал қилиш имконияти яратилди. Бунда, университет олимлари, магистрлари ва ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари томонидан мураккаб таркибли рудаларни қайта ишлаш, технологик жараёнлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ илмий-таҳлилий синовлар амалга оширилади.

Халқаро амалиётдаги илмий тадқиқот ишларини ўрганиш учун Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетидаги мавжуд лабораториялар базасида аккредитациядан ўтган илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш режалаштирилган. Илмий-тадқиқот маркази тоғ-кон, кимё саноати, энергетика, экология соҳасидаги муаммоларни ўрганиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкор технологияларни яратиш, замонавий рақамлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу илмий марказда бир дона намунани халқаро стандартларга асосланиб қилинган битта таҳлил учун 500 доллардан 5000 долларгача пуллик хизмат кўрсатилиб, йилига 100 минг доллар даромад топса бўлади.

Бир сўз билан айтганда, замонавий иқтисодиётда инновацион ғояларга эга, билимли, илмга чанқоқ ва интеллектуал кадрларни тайёрлаш, инсон капиталини ривожлантириш — янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг асосий, ҳал қилувчи бўғини бўлиб қолади.

Ҳамкорлик

ХАЛҚАРО ТАҚҚОСЛАШ ДАСТУРИ

мамлакатлар ривожида салмоқли ўрин тутади



Мухтор УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Нархлар статистикаси бошқармаси бошлиги

Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан юритиладиган муҳим халқаро статистик тадбир — Халқаро таққослаш дастурида илк бор расман иштирок этди. Яқинда унинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг харид қобилияти паритети бўйича 2021 йилги ялпи ички маҳсулот ҳажми 285 миллиард АҚШ долларини, аҳоли жон бошига эса 8162 долларни ташкил қилди.

Жаҳон банкининг мазкур ҳисоб-китоблари Статистика агентлиги ўтказган кузатувлар маълумотлари асосида шакллантирилган. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари статистика идоралари иштирок этадиган бу дастур асосида валюталар харид қобилияти паритети, ялпи ички маҳсулот ҳамда унинг таркибий қисмлари халқаро даражада таҳлил этилиб, мамлакатлараро таққослаш ишлари амалга оширилади.

Бу нимаси билан муҳим? Масалан, валюталарнинг харид қобилияти паритети расмий халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган асосий статистик кўрсаткичдир. У Халқаро валюта жамғармаси, БМТ, Европа Иттифоқи сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муҳим расмий қарорларни қабул қилиш жараёнида асқатади.

Валюталарнинг харид қилиш қобилияти паритети ва макроиқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш услубий ҳамда амалий жиҳатдан мураккаб жараён. Маҳсулотлар ва хизматлар нархлари, уларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда фойдаланилиши тўғрисида катта ҳажмли маълумотлар йиғилиб, қайта ишланади. Одатда дастурда кўзда тутилган ишларни тўлиқ бажариш учун 3 йил вақт талаб этилади ва у “таққослашлар цикли” деб аталади.

Бундай муҳим халқаро тадбирда Ўзбекистоннинг расмий иштироки миллий статистика соҳасининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви учун муҳим. Шу боис, мазкур йўналишда қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорида унда иштирок этиш белгиланган бўлса, Президентимизнинг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Халқаро таққослаш дастури глобал раунди доирасида барча ишларни умумий мувофиқлаштириш Жаҳон банки томонидан амалга оширилади. Иштирокчи давлатлар қуйидаги минтақа гуруҳларига бўлинади: Лотин Америкаси, Осиё, Тинч океани мамлакатлари, Ғарбий Осиё, Африка, МДҲ, Европа Иттифоқи. Ҳар бир минтақа бўйича ишлар БМТнинг тегишли минтақавий комиссияси ёки минтақавий тараққиёт банки томонидан мувофиқлаштирилади.

МДҲ Статистика қўмитаси МДҲ минтақаси учун координатор ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистоннинг глобал дастурда иштирок этишига доир чора-тадбирлар МДҲ Статистика қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Тайёргарлик жараёнида маълумотларни шакллантиришга масъул мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг “Халқаро таққослаш дастури — 2021” глобал тадбиридаги иштироки доирасида Статистика агентлиги томонидан ҳар чоракда 2500 дан ортиқ турдаги товар ва хизматлар нархларини ўрганиш бўйича кузатувлар ўтказилди. Тўпланган нарх маълумотлари МДҲ Статистика қўмитасига харид қобилияти паритетини ҳисоблаш учун тақдим этиб борилди.

Натижаларга кўра, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида харид қобилияти паритети асосида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи бўйича учинчи ўринни эгаллади. Россия ушбу минтақа мамлакатлари орасида етакчилик қилган бўлса, Қозоғистон, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон ва Қирғизистон кейинги ўринлардан жой олди.

Ўзбекистонда аҳоли сони (2021 йил, ўртача 34,9 миллион киши) кўрсаткичи билан 192 та давлат орасида 41-погонани, ЯИМ ҳажми (Марказий банкнинг ўртача алмашинув курси бўйича 69,6 миллиард АҚШ доллари) кўрсаткичи билан 76-ўринни, харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган ЯИМ ҳажми бўйича (285 миллиард АҚШ доллари) 61-ўринни, харид қобилияти паритети кўрсаткичи бўйича 9-ўринни, харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми (8162,2 АҚШ доллари) кўрсаткичи бўйича 136-ўринни эгаллади.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари бўйича жами ЯИМдаги улуши 0,2 фоизни ташкил қилиб, рўйхатда 61-ўринни банд этди.



Халқаро таққослаш дастури натижаларидан халқаро ташкилотлар, давлатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари ва экспертлар кенг фойдаланди. Харид қобилияти паритети ва валюта курслари ўртасидаги таққослашлар тўғрисидаги маълумотлар валюта курсларини тартибга солиш учун масъул бўлган марказий банклар учун муҳим аҳамият касб этади. Таққослаш натижалари халқаро ташкилотлар томонидан жаҳон ва минтақавий иқтисодиётни таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишда қўлланилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар мамлакатларга иқтисодий кўмак ва кредитлар ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон жаҳон миқёсидаги ушбу йирик лойиҳада фаол қатнашиб, тажриба орттиришда давом этади. Хусусан, 2023 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Халқаро таққослаш дастури доирасида МДҲ минтақасида 2024 йил учун халқаро таққослашларнинг навбатдаги босқичига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим тадбир бўлиб ўтди. Ҳозир бу бўйича ишлар бошланиб кетган.

Статистика агентлиги томонидан Халқаро таққослаш дастури 2024 йилдаги раундида Ўзбекистоннинг муносиб иштироки юзасидан Тошкент шаҳрида танлаб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида барча товар ҳамда хизматлар нархларининг статистик кузатувлари олиб борилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 21 июнь, 122-сон

“Яхши” ва “аъло” кредит тарихига эга тадбиркорлик субъектларига, улар аввал олган кредитлари бўйича кафиллик ёрдамидан фойдаланаётган бўлишидан қатъи назар, қўшимча ажратиладиган кредитлар учун белгиланган умумий миқдорлар доирасида кафиллик тақдим этилади.







Сарҳисоб



ИШБИЛАРМОНЛИК ТАФАККУРИ ОЗИҒИ

Тадбиркорлар билан ўтган йилги учрашувда кўтарилган масалалар амалиётга қанчалик татбиқ этилди?



Даврон ВАҲОБОВ,
Савдо-саноат палатаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш учун 37 турдаги лицензия ва 10 турдаги рухсатнома бекор қилинди. 16 та лицензия ва 11 та рухсатнома бошқа ҳужжатлар билан бирлаштириш орқали қисқартирилди. 31 та лицензия ва рухсатнома олиш ўрнига хабардор этиш тартиби йўлга қўйилди. Натижада тадбиркорларнинг қарийб 350 миллиард сўмлик харажатлари тежалди.

Солиқ маъмуриятчилиги соддалаштирилиб, солиқ юки енгиллаштирилди. Хусусан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага, солиқ текширувлари эса 13 тадан 2 тага қисқартирилди.

Очиғи, бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш, иқтисодий самараси ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин ҳозир буларга алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки тадбиркорлик ривожи билан боғлиқ эришилаётган муваффақиятларни аксариятимиз кўриб, билиб турибмиз.

Гап ишбилармонлик муҳитини замон талаблари даражасида яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ҳақида борар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотига алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки, 2021 йил 20 августда илк бор ташкил этилиб, ҳар йили Тадбиркорлар куни арафасида ўтказилиши анъанага айланиб бораётган мазкур учрашув тадбиркорлик ривожи билан боғлиқ устувор масалаларни муҳокама қилиш, бу йўлда тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва ечиш, шу орқали қулай ишбилармонлик муҳити яратилишига асос бўлаётгани билан аҳамиятлидир.

Бу йил Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти Қорақалпоғистонда бўлиб ўтади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, навбатдаги учрашув аввалгиларидан бир оз фарқланади. Яъни Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти масалани жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва ҳал этиш тизимига ҳамоҳанг тарзда илк бор пойтахтимиздан ташқарида ўтказилади. Очиқ мулоқот доирасида ташкил этилиши кутилаётган халқаро бизнес-форум эса қорақалпоғистонлик тадбиркорлар учун тажриба алмашиш, “Қорақалпоғистонда бизнес қилинг” дастури доирасида йирик хорижий брендларни жалб этишда яхши имконият яратади. Умуман олганда, айни пайтда мазкур учрашув ва унинг доирасида ташкил этиладиган тадбирларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 4 сентябрдаги ўтган йилги учрашув натижалари, хусусан, унда тадбиркорлар кўтараётган муаммоли масалалар, илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар рўёбига қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси қай даражада таъминлангани кўпчилик учун қизиқ, албатта.

2023 йилги очиқ мулоқот арафасида тадбиркорлардан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Уларда кўтарилган асосий масалалар кредит ва молиявий ёрдамни кенгайтириш (жами мурожаатларнинг 26 фоизи), бизнесни жой ва инфратузилма билан таъминлаш (21 фоиз), солиқ тизимини соддалаштириш (10 фоиз), текширишлар ва ортиқча бюрократияни кескин қисқартириш (8 фоиз) билан боғлиқ эди.

Шу боис, Президентимизнинг 2023 йил 4 сентябрдаги қарорида 5 та — кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш, ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш, янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш, юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш, содда солиқ маъмуриятчилиги ва бюрократиясиз қулай муҳитни рағбатлантириш йўналиши белгиланди. Қарор билан ушбу йўналишлар бўйича 42 банддан иборат “йўл харитаси” тасдиқланиб, унга асосан, 11 та қонун, Президентимизнинг битта фармони ва 15 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори ҳамда 10 дан ортиқ амалий чора-тадбирлар режаси, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қабул қилиниши кўзда тутилганди.

Шу йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, қарор ижросини таъминлаш мақсадида 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, уларда белгиланган вазифалар доирасида тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шароит яратилмоқда. Жумладан, тадбиркорлар эътирозига сабаб бўлган солиқ тизимидаги “тахгар” бекор қилинди, 2024 йил 31 декабрга қадар ип-калавани экспорт қилишда ундириладиган йиғимнинг амалдаги миқдори 5 баробар камайтириладиган бўлди.

Энди қарор ижроси доирасида қабул қилинган айрим ҳужжатларнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтсак. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2023 йил 1 октябрдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш бошланди.

Дастурда иштирок этувчи кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағлар учун револьвер тарзда 3 йилгача муддатга (йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада) 1,5 миллиард сўмгача кредитлар ажратиш ёки асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш белгиланди.

Консультатив қўллаб-қувватлаш йўналишида эса лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш, бундан ташқари, давлат харидларида иштирок этиш, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб ёки ижарага олиш ҳамда лойиҳалаштириш, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имтиёз ва преференциялар, енгиллик ва имкониятлар бўйича маълумот ва маслаҳатлар бериш йўлга қўйилди.

2024 йил 1 январдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар 3 йилдан 4 йилгача, 6 ойдан 1 йилгача имтиёзли давр билан (йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада) ажратиладиган бўлди.

Натижада шу ой аввалига қадар бизнес платформа орқали 211 мингдан ортиқ ариза келиб тушди. Улар асосида 23 минг 300 га яқин тадбиркорга тижорат банклари томонидан 2 триллион 107 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

2023 йил 11 октябрдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда эса ушбу йўналишда инвестиция лойиҳалари учун ер ажратиш тизимини соддалаштириш ва кичик саноат зоналари фаолиятини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланди.

Хусусан, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида ташкил этилган чарм-пойабзал кичик саноат зонасида марказлашган оқова сув тозалаш иншоотини қуриш учун республика бюджетидан 10 йил муддатга 50 миллиард сўмгача ссуда ажратиладиган бўлди.

Президентимизнинг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси негизида “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ташкил этилди. Компанияга тадбиркорлик ривожи билан боғлиқ катта вазифалар юклатилди. Хусусан, компания томонидан 2024 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига бир қатор қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилиши белгиланди.

Ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларига:

— лойиҳа қийматининг 15 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташаббускорнинг устав капиталига кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар шаклида улуш киритиш;

— кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарнинг 70 фоизи, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда мулк сотиб олиш ва етти йилгача муддатга қарздорлик қолдиғига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада йиллик фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан хизматлар ипотекаси асосида ташаббускорга бериш.



Тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга молиявий ёрдам тақдим этиш учун 2023 йилда 1161 тадбиркорга 362 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилган. Энг кўп қўллаб-қувватланган тадбиркорлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (193 нафар), Хоразм (155 нафар), Бухоро (140 нафар) ва Жиззах (131 нафар) вилоятлари етакчилик қилди.

Президентимизнинг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса тадбиркорлар фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилиб, улар 4 тоифага ажратилди — юқори (“ААА”, “АА” ва “А” тоифалар), ўрта (“ВВВ”, “ВВ” ва “В” тоифалар), қониқарли (“ССС”, “СС” ва “С” тоифалар) ва қуйи (“D” тоифа).

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига:

— кредит (лизинг) ажратиш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига миллий ва хорижий валютада молиявий ресурсларни жойлаштириш;

— тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларга умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик бериш;

— компания маблағларидан фойдаланиш бўйича тижорат банклари билан тузиладиган воситачилик шартномаларига асосан белгиланган лимит ҳамда умумий миқдор ва шартлар доирасида кредитлар бўйича кафиллик (портфель кафиллиги) тақдим этиш;

— 2024-2026 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ва асосий ставканинг 1,75 баробаридан ошмаган ставкада, миллий валютада 5 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставканинг 40 фоизигача миқдорда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация қўллаш.

Ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун компанияга ўринлари режаси бажарилиши ва реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушум камида ўн беш фоиз ошган тақдирда давом эттирилади.

Тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга молиявий ёрдам тақдим этиш учун 2023 йилда 1161 тадбиркорга 362 миллиард сўм молиявий ёрдам кўрсатилган. Энг кўп қўллаб-қувватланган тадбиркорлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (193 нафар), Хоразм (155 нафар), Бухоро (140 нафар) ва Жиззах (131 нафар) вилоятлари етакчилик қилди.

2023 йилда, шунингдек, 14 минг 309 тадбиркорнинг 688 миллиард сўмлик (2018 йилдан бошлаб 3,1 триллион сўм) фоиз харажатларининг компенсация тўловлари амалга оширилди.

Жорий йилда ҳам компания томонидан ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, ушбу йилда тадбиркорларнинг 2,6 мингта лойиҳаси учун 1,6 триллион сўм миқдорида ёрдам тақдим этилиши прогноз қилинган. Бунда 600 миллиард сўм кафиллик, 468 миллиард сўм хизматлар ипотекаси, 300 миллиард сўм молиявий ресурс, 150 миллиард сўм компенсация ёрдамлари тақдим этилади ҳамда лойиҳаларда 120 миллиард сўм миқдорида улушдор сифатида иштирок этилади.

Соҳа ривожи, хусусан, юртдошларимизни тадбиркорликка кенг жалб этишда Президентимизнинг 2023 йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Боиси, қарор билан аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳамда 2024-2026 йиллар учун “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ фаолиятининг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилди.

“БУГУНГИ КУНДА 76 МИНГ (13 ФОИЗ) КОРХОНАНИНГ РЕЙТИНГ ДАРАЖАСИ “В” ВА УНДАН ЮҚОРИ. 2023 ЙИЛДА 25,1 МИНГТА (33 ФОИЗ) КОРХОНАГА 23,3 ТРИЛЛИОН СЎМ СОЛИҚ, 3 МИНГТАСИГА (12 ФОИЗ) 10,1 ТРИЛЛИОН СЎМ БОЖХОНА ИМТИЁЗИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.”

Бунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш, “оилавий тадбиркор — микробизнес — кичик бизнес — ўрта бизнес” занжири асосида уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини 1,7 баробар ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан 43 фоизга етказиш, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами 800 миллион АҚШ долларигача миқдорда ресурслар жалб қилиш, 300 миллион АҚШ доллари миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш, 150 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш каби муҳим вазифалар белгиланди.



Президентимизнинг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса тадбиркорлар фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилиб, улар 4 тоифага ажратилди — юқори (“ААА”, “АА” ва “А” тоифалар), ўрта (“ВВВ”, “ВВ” ва “В” тоифалар), қониқарли (“ССС”, “СС” ва “С” тоифалар) ва қуйи (“D” тоифа).

Бугунги кунда 76 минг (13 фоиз) корхонанинг рейтинг даражаси “В” ва ундан юқори. 2023 йилда 25,1 мингта (33 фоиз) корхонага 23,3 триллион сўм солиқ, 3 мингтасига (12 фоиз) 10,1 триллион сўм божхона имтиёзи тақдим этилди.

Президентимизнинг 2023 йил 18 декабрдаги “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги қарори билан саноат тармоқларини тубдан ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага 1 миллиард доллар эквиваленти миқдорида маблағ жалб қилиниши, шу жумладан, 2023-2024 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 миллион доллар эквиваленти миқдоридаги маблағ ажратилиши белгиланди.

2024 йил 9 январдаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан эса ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш орқали бизнесга маъмурий юкни камайтириш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, 2024 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларидан талаб қилинадиган, ўзаро бир-бирини такрорловчи ва давлат органларининг бошқа органлардан олиш имконияти мавжуд бўлган 8 та ҳисобот ва статистика маълумоти турлари бекор қилиниб, уларнинг ягона рўйхати тасдиқланди.

2024 йил 9 январдаги “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, 2024 йил 1 мартдан лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 22 тури бекор қилинди. Шунингдек, ушбу санадан бошлаб лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга қўлланилган жарима миқдорининг 50 фоизи 15 кун, 70 фоизи 30 кун ичида ихтиёрий равишда тўланганда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод этиладиган бўлди.

2024 йил 1 мартдан 2025 йил 1 январгача ҳуқуқий эксперимент тариқасида рентген ускунасидан фойдаланиш ва ветеринария лаборатория-диагностика ишларини амалга ошириш фаолиятини бошлаш учун уч ойгача ўтиш ва мослашиш даврини белгилайдиган “Бизнесга лицензиясиз кириш” махсус режими жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти ва унда муҳокама қилинган масалалар бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш, янгидан янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, аҳоли учун муқим ва юқори даромадли иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Асосийси, давлатимиз раҳбарининг ишбилармон доира вакиллари билан шахсан ўзи мулоқот қилаётгани жамиятимиз ишбилармонлик тафаккурини энг зарур озиқ — ишонч, қатъият, ташаббускорлик билан тўйинтирмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири тайёрланиб, кўриб чиқилмоқда. Унинг қабул қилиниши институтнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш баробарида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши билан боғлиқ механизмлар янада самарали ишлашига хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 21 июнь, 122-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Адолат ва қонун устувор

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ушбу йўналишдаги давлат сиёсати омбудсман фаолиятида



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглиги эътироф этилган ҳамда ҳимояланган. Бошқача айтганда, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари устувор бўлиб, давлатнинг фуқароларга нисбатан адолатли ва тенг муносабатда бўлишини кафолатлайди.

Бош қонунимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари, хусусан, қонунлардаги ноаниқликларнинг инсон фойдасига хал этилиши, “сукут сақлаш” ҳуқуқининг биринчи маротаба белгиланиши, адвокатлар мақоми терговчи ва прокурор мақомига тенглаштирилиши каби самарали ислоҳотлар янги конституциявий ҳуқуқий маконнинг барпо этилишига олиб келди. Мазкур янгилик ва ўзгаришлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини англатади.

Қолаверса, Конституция нормаларига нисбатан сўзсиз итоатда бўлиш, унда мустаҳкамлаб қўйилган устувор тамойил ва қоидаларни изчил рўёбга чиқариш борасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятига ҳам алоҳида урғу берилди.

Ҳар қандай давлатдаги омбудсман фаолияти самарадорлигини унга юборилаётган мурожаатлар статистикаси ва уларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш натижаларига қараб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига эътибор мутлақо янги босқичга кўтарилди. Буни шу йил 13-14 июнь кунлари мамлакатимизда ўтказилган IV Самарқанд форуми иштирокчилари ҳам алоҳида эътироф этди.

Умуман, юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда бу соҳа билан боғлиқ амалдаги механизмларни янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислоҳотлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га ҳам катта масъулият юкламоқда. Мазкур ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда омбудсман институти фаолият йўналишлари ҳам такомиллашиб боряпти.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида халқаро стандартлар асосида тизимли ва кенг кўламли ислоҳотлар кечмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан омбудсман ҳузурида жамоатчилик гуруҳларини тузиш ва уларга ёпиқ муассасаларда қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Мурожаатлар ўрганилиши натижасида омбудсман томонидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда судларга фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан киритилган таъсир чоралари 2020 йилда 40 тани ташкил этган бўлса, 2023 йилда 170 тага етди. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича 2020 йилда 76 та, 2021 йилда 177 та, 2022 йилда 381 та ва 2023 йилда 603 та мониторинг ташрифи ўтказилди.

Ўзбекистонда шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий кафолатланган, бу соҳадаги қонунчилик базаси мунтазам такомиллаштирилиши натижасида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимининг самарали воситалари йўлга қўйилди ҳамда фуқароларни қийнаётган муаммоларни бирламчи бўғинда тезкор ҳал қилиш имконияти яратилди.

Пировардида, фуқароларнинг омбудсманга йўллаётган мурожаатлари йилдан йилга кўпаймоқда. Биргина меҳнат ҳуқуқларини тиклашга оид мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижасида 2021 йилда 10, 2022 йилда 13 ва 2023 йилда 38 фуқаро ишга тикланди.

Омбудсманнинг давлат органлари ва идораларига қилган мурожаати асосида 2023 йилда 12 ҳолатда жиноят иши қўзғатилди, 1 ҳолатда жиноят иши қайта малакаланди, 57 ҳолатда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар тегишли прокурорлар томонидан бекор қилинди. Салкам 30 нафар масъул ходимга интизомий жазо қўлланилди, 17 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва 5 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Мазкур рақамлар, ўз навбатида, жиноят ишларини кўриб чиқиш чоғида адолатли ва қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш, масъул ходимларнинг ҳуқуқбузарликларига нисбатан қатъий чоралар кўриш ҳамда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда улар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий хабардорлик ишларини ташкил этишни янада кучайтириш лозимлигини кўрсатди.

Бу каби маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали давлат органлари иш самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосалар қилишга имкон яратилди. Шунинг учун ҳам омбудсманнинг ҳар йиллик ҳисоботлари ҳамда қийноқларнинг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари юзасидан парламентга тақдим этиладиган маърузалари “ombudsman.uz” расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб борилади. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида омбудсманнинг ҳар чоракдаги фаолият натижаларига бағишланган брифинглар ташкил этилади. Шунингдек, давлатнинг очиқлик сиёсатига мос равишда расмий веб-сайтда омбудсман фаолиятига доир хабарлар тизимли эълон қилиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар натижасида 2020 йилда Глобал альянс томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти Париж принципларига мувофиқлиги бўйича аккредитациядан ўтказилди ва унга “В” мақоми берилди.



Ўтган йилларда омбудсман фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Омбудсманга фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича давлат ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар, фуқаролар манфаатида судларга давлат божи тўламасдан даъво аризалари ҳамда Конституциявий судга қонун ҳужжатлари ва уларнинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан масалалар киритиш ва бошқа ҳуқуқлар берилди.

Кейинги йилларда омбудсманнинг қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир фаолияти янада кучайтирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонига мувофиқ, 2022 йилдан омбудсманнинг ҳудудлардаги минтақавий вакиллари доимий асосда фаолият юрита бошлади, мурожаатлар билан ишлаш тизими рақамлаштирилиб, фуқароларга қўшимча имкониятлар яратилди. Конституция асосида омбудсманга қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида парламент қуйи палатасига киритиш ҳуқуқи берилди. Ҳозирги кунда фуқаролар билан тезкор боғланиш мақсадида замон талабларига мос омбудсман мобил иловаси ишлаб чиқилмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий тажриба ва бу бўйича қонунчилик такомиллашуви, шунингдек, омбудсман фаолияти кучайтирилаётгани натижасида нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан миллий омбудсманнинг халқаро мақомини ошириш бўйича тавсиялар берилди. Бошқача айтганда, омбудсманнинг Париж принципларига мувофиқлиги бўйича “А” мақомига даъвогарлик қилишига замин яратилди.

Париж тамойиллари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро майдонда тан олинишида муҳим аҳамият касб этади. Бу институтлар ушбу тамойилларга риоя этиш орқали инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва илгари суришда муҳим роль ўйнайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири тайёрланиб, кўриб чиқилмоқда. Унинг қабул қилиниши институтнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш баробарида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши билан боғлиқ механизмлар янада самарали ишлашига хизмат қилади.

Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши инсон ҳуқуқлари ишончли ва самарали ҳимоя қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятни кўриб чиқиш, қонун ҳужжатлари ва амалиётни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини оширишда омбудсман институти мустаҳкам ўринга эга.

Мисол учун, Финляндия омбудсмани юз йилдан зиёд вақт давомида инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириб келмоқда. У фаолиятида фуқаролар мурожаатларига осон ва тезкор тарзда жавоб қайтариш, уларни кўриб чиқишда замонавий усуллардан фойдаланиш, жамоатчилик билан фаол мулоқот қилишга интилади. Бундан ташқари, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш борасида тадқиқот ва таҳлиллар олиб бориб, фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилади. Маҳкумларга яратилган шароитларни ўрганиш мақсадида мониторинглар ўтказади. Финляндиядаги қамоқхоналарда асосий эътибор маҳкумларни тарбиялаш, касбга ўргатиш, таълим олиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашга қаратилади.

Ушбу инновацион ёндашувлар Ўзбекистонда ҳам жорий этилган. Давлат органларининг мансабдор шахслари омбудсмандан юборилган мурожаатларга устуворлик беради. Фарқли томони, Финляндиядаги маҳкумлар ўз мурожаатларини омбудсманга фақатгина қамоқхона маъмурияти орқали йўллаши мумкин. Ушбу омбудсман мониторингни режа асосида ҳар 4-5 йилда бир маротаба ўтказади.

Ўзбекистонда эса халқ билан мулоқот тизими йўлга қўйилиши натижасида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган ёпиқ муассасалардаги шахслар ҳам четда қолмаган. Уларнинг мурожаатлари “омбудсман қути”лари ҳамда тизимли сайёр қабуллар орқали қабул қилинади. “Омбудсман қути”лари омбудсман ходимлари томонидан очилади, улар видеокамералардан холи бўлиб, маҳкумлар учун қулай жойларга ўрнатилади. Бу эса маҳкум ва маҳбусларга шикоятларни бевосита, хавфсиз ва махфий тарзда юбориш имконини беради. Мазкур тизим маҳкумларнинг муаммоларини эшитиш ва уларни ҳал этиш учун муҳим қадам ҳисобланади.


Бугунги кунда мурожаатларнинг махфийлигини таъминлаш, соҳадаги масъулларнинг билим ва кўникмасини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, очиқлик ва шаффофлик каби комплекс чора-тадбирлар кўриш Ўзбекистонда миллий превентив механизмни янада такомиллаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг омбудсман фаолиятига ишончи ошишига ёрдам беришига ишонамиз.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ривожланган давлатлар тажрибасидан ортда қолмаяпти. Энг муҳими, мақсадимиз ва танланган йўлимиз аниқ. Рамзий маънода инсон ҳуқуқлари қўриқчиси ҳисобланган омбудсман институтига эса инсониятнинг энг юксак қадриятларини ҳимоя қилиш учун зарур шароитлар яратилган.

Бунёдкорлик

Фарғонанинг





ЎЗГАЧА ТИМСОЛИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ҳожиқўзи ИСОҚОВ,
Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар тўлқинида Фарғонага ҳам янги нафас, янги ҳаёт кириб келди. Бу тараққиёт йиллари фарғоналиклар учун янги Фарғона даври бўлди. Айниқса, қурилиш ва уй-жой тармоқларини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасидаги ҳаётбахш янгиланишлардан ҳар бир фарғоналик баҳра олмоқда.

Кўз ўнгимизда Фарғона шаҳрининг ўзига хос янги тимсоли яратилмоқда. Унда бир пайтнинг ўзида шарқона латофат, замонавий шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси анъаналари уйғунлаштирилиб, тарих сўқмоқларидан мардонавор ўтиб келаётган кўҳна водий гавҳари тобора муҳташамлик ва улуғворлик касб этиб бормоқда.

Бундай фусункор манзараларни кўриб, кўнгилда ғурур, ифтихор пайдо бўлади. Шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборaётган файзли ва обод кўчалар, баланд иморатлар халқимизнинг эзгу фазилатларига хос бунёдкорлик ва яратувчанликнинг ёрқин тимсоли. Орасталик, файз ва тароватдан кўнгиллар яйрайди.

Фарғона шаҳрининг жанубий сарҳадига туташ, яқин йилларгача бир гиёҳ унмаган, тош-шағалдан иборат даштда бошланган экошаҳар лойиҳаси — “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишининг биринчи босқичи якунига етди. Умумий майдони 300 гектар бўлган янги шаҳарда бугун 2800 хонадондан иборат 75 та кўп қаватли уй қуриб битказилди. Йил охирига қадар яна 1500 та хонадонга эга 25 та 12 қаватли уй-жой қуриш режалаштирилган.

Хитойлик инвесторлар қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлган, Фарғона водийсида ягона 30 қаватли муҳташам мажмуа қура бошлади. “ECO TOWER” биносидан меҳмонхона, турар жой, савдо ва кўнгилочар мажмуалар ўрин олади. Шунингдек, япониялик инвесторлар ташаббуси билан 3 гектар майдонда Япон боғи ва меҳмонхонаси, бир гектар майдонда замонавий тиббиёт клиникаси қурилиши бошланган. Швейцариянинг “RABAT” компанияси кўмагида 4,5 гектар майдонда замонавий савдо комплекси қад кўтаради.

Янги шаҳарнинг меъморий қиёфаси улкан орзу-мақсадлар йўлида қанот ёзиб, парвозга шайланган, тинчлик, бахт-саодат тимсоли бўлган улкан Ҳумо қушини ёдга солади. Бундан уч-тўрт йил аввал шу ерларда замонавий шаҳар бунёд бўлади, деган гапга кўпчилик ишонмаган. Ўтган қисқа муддатда худди эртакдек туюлган орзулар ҳаётий ҳақиқатга айланди. Кўрсангиз, ҳавас қиласиз, ҳайратланасиз. Бу бежиз эмас. Янги шаҳар қурилиши шу кунга қадар қурилган катта-кичик шаҳар, кўп қаватли уйлар, яшаш манзилларидан ўзига хос меъморий кўриниши, аҳолига яратилган қатор қулайликлари билан ажралиб туради. Шаҳар ўз номига мос ва хос тарзда экологик тоза ҳудуд сифатида эътироф этилади.

“Экошаҳар” лойиҳаси мамлакатимизда ўхшаши йўқ — ноёб ва мукаммал ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Шаҳарча лойиҳасини ишлаб чиқишда экологик тоза, “яшил” иқтисодиётга асосланган инновацион ғоя ва технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Бу ердаги ҳар бир уй энергиятежамкор. Янги даҳа об-ҳавосини мўътадиллаштириш, доимий обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр канал қурилиши якунига етди. Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида ариқлар бетонлаштирилди, дарахт ва яшил майдонларда ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилди. Ҳудудга ўзига хос тароват ва файз бериб турувчи сунъий кўл ҳамда замонавий фавворалар қурилиши поёнига етди.



Фарғона тумани Дамкўл қишлоғидан 14,2 километр тоза ичимлик сув, 7,5 километр юқори кучланишли электр тармоқлари тортилди. Ўз навбатида, 11,2 километр янги канализация қувури ўтказилди. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, бу ерда болалар майдончалари ва ўйингоҳлар, 10 та боғча ва 6 та мактаб қурилади. 50 гектар майдонда кичик саноат зонаси ишга туширилиши ҳисобига 20 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Хонадонларни иссиқлик қуввати билан таъминлаш мақсадида марказлашган иситиш қозони ўрнатилди. Айни жараёнда 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўринга эга марказий поликлиника барпо этилди. Бу ерда 1,3 гектар майдонда Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур фермер Лолахон Муродова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган фермерлар мактаби қурилиши якунланди.

70 гектар ерда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг ўзида 20 хилдан ортиқ 35 минг туп манзарали кўчат экилди. Эътиборлиси, энди бундай кўчатларни катта маблағ эвазига четдан олиб келишга зарурат қолмади. Мутахассислар маҳаллий иқлим шароитига мос энг ноёб кўчатларни етказиб беришни уддаламоқда.

Аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш, маданий-маърифий кечалар, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 4 минг ўринли амфитеатр барпо этилган ва унга уйғун сунъий кўлда мусиқали фавворалар ўрнатилди. Ички йўллар бошқа ҳудудлар билан туташтирувчи ҳалқа йўлига боғланмоқда. Жамоат транспорти қатнови учун қулай шоҳбекатлар барпо этилмоқда.

Экошаҳардаги барча уйда табиий газ истеъмол қилинмайди. Қуёш панеллари, “ақлли” ва тежамкор жиҳозлардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб берилди. Ҳар бир уйнинг том қисми, йўл ва йўлакларга ўрнатилган “ақлли” чироқ, беминнат қуёш ёритиш панеллари аҳоли ва хизмат кўрсатиш тармоқларига узлуксиз электр етказиб бермоқда. Барча уй-жой базальт қопламаси билан қопланди. Бу хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Ҳар бир кўп қаватли уй ҳовлисида болалар ва спорт майдончаси, Жанубий Корея тажрибаси бўйича ясалган ўриндиқлар мавжуд. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш борасида бошқарув сервис компаниялари ўртасида рақобат муҳити шакллантирилди. Якунда аҳолига сифатли ва арзон хизмат таклиф этган компаниялар билан шартнома имзоланмоқда. Ҳар бир уйнинг олдида ногиронлиги бор шахслар учун махсус пандуслар ўрнатиляпти. Биринчи қаватда кундалик фойдаланиладиган жиҳозлар, болалар велосипеди, ўйинчоқларини сақлашга мўлжалланган махсус жой ҳозирланяпти. Бу хонадон эгаларини керакли жиҳозларни ҳар куни юқори қаватга олиб чиқиш ва олиб тушиш билан боғлиқ ортиқча оворагарчиликлардан халос этади.

Яна бир жиҳати, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан янги уйларнинг ертўла қисмида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун 20 дан ортиқ замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу манзиллар уй-жойга муҳтож аҳоли вакилларига бепул берилмоқда.

Барча коммуникация тармоқлари — ички йўллар, электр ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув тармоқлари қуриш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириляпти. Коммуникация жиҳозлари ер остида — битта туннелда жамланмоқда. Бу кейинчалик таъмирлаш ишларини қулай шароитда, ортиқча харажатсиз, сифатли бажариш имконини беради. Бу омиллар сабаб уйлар баҳоси сезиларли даражада арзонлашди. Шу ернинг ўзида банк кредити, субсидия ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ масалаларни бир жойда, бир вақтда ҳал этиш имкониятини берувчи “Ипотека” маркази қуриб битказилган.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос меъморий тимсолини яратмоқда. Бу хайрли амалларни Фарғонада бўлган ҳар бир киши дилдан ҳис қилади, кўриб, кўзи қувнайди.

Юксалиш палласи



Фикрат оламига КИТОБ ОРҚАЛИ ЙЎЛ

Илм олишга рағбат — ҳар бир миллатнинг келажагини белгиловчи асосий мезонлардан бири. Бундай рағбатнинг энг самаралиси ҳам, энг фойдалиси ҳам, албатта, китобдир! Бугун жамиятимизда китобхонликка, айниқса, ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Китобхонлар учун сифатли ва бадиий жиҳатдан пишиқ, тафаккурни бойитадиган ва ақлни пешлайдиган китоблар нашр этиш, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш кун тартибидаги масалалардан бирига айланган.



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда”, деган эди Президентимиз бу ҳақда.

Касбнинг етук мутахассиси бўлиш, соҳа сирларини мукаммал ўрганиш ва илм-фаннинг замонавий, сўнгги ютуқларидан бохабар бўлишда, айниқса, илмий адабиётларнинг ўрни беқиёс. Дунё миқёсидаги етук олимлар, зиёлилар муаллифлигидаги бундай адабиётлар интеллектуал салоҳият ва имкониятларни юзага чиқариш, билим ва зеҳнни янада чархлашда азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Тафаккури, фикр доираси кенг инсонлар ҳар қандай жамиятнинг чинакам бойлигидир. Зеро, ривожланишнинг асосида илм, илмнинг асосида эса китобхон халқ туради.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жаҳонда машҳур бўлган китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда шу орқали уларни замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан яқиндан таништириб бориш вазифаси белгиланган. Ушбу мақсадлар учун 20 миллиард сўм ажратилди ва лойиҳа доирасида ҳар йили 50 тадан китоб таржима қилиш Ёшлар ишлари агентлигига юклатилди.

Айни пайтда хорижий тиллардаги энг сара илмий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш лойиҳаси ишга туширилган. Лойиҳа доирасида 2024 йилда 50 номдаги китобни ўзбек тилига ўгириш ва нашр этиш режалаштирилган.

Китоблар таржимаси бошлаб юборилди. Бу йилги биринчи босқичда кўпроқ иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва табиий фанларга доир илмий адабиётлар таржима қилинади. “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасидаги асарларнинг барчаси ўз соҳасида атоқли олимлар томонидан ёзилган.

Бу лойиҳага қандай эҳтиёж бор эди?

Шу пайтгача бадиий адабиёт таржимаси устувор бўлиб келди. Илмий-оммабоп китоблар йиллар давомида бир оз назардан четда қолди. Бугун бу бўшлиқни тўлдиришга бўлган эҳтиёж ушбу лойиҳа юзага келишига туртки бўлди. Лойиҳа қайсидир таржимоннинг ихтиёри билангина амалга ошмайди. Бунга ижодкор, олим, мутахассисларни сафарбар этиш орқали эришиш мумкин.

“Ёшлар учун минг китоб” — “Ибрат фарзандлари”, “Викистипендия”, “Дуэль” каби лойиҳалардан кам бўлмаган, стратегик натижани, миллат манфаатини, эртасини кўзлаган лойиҳа.

Дунё тамаддунига хизмат қилган асарларни ўрганиш, ўзлаштириш, тадқиқ этиш йўлларидан бири улардан бохабарликдир. Бу китоблар дунё тафаккурига кириб бориш учун катта йўл. Дейлик, тарихий манзаралар, бугунги иқтисодий жараёнлар ҳақида холис сўзловчи асарларни экспертлар иштирокида танлаб олиб, таржима қилишга киришилгани ёшлар камолига қаратилган яна бир эътибор демакдир. Илмий-оммабоп, ёшлар учун қулай, уларга илм-фан дарчаларини очиб берадиган қўлланмалар келгусида ўзбек йигит-қизлари томонидан бемисл кашфиётлар, янгиликлар яратилишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Лойиҳа кенг қамровли. Бунда имкон қадар барча йўналишдаги китобларни таржима қилиш назарда тутилган.

Ҳар йили элликта китоб чоп этилади

— Бу китоблардан фойдаланиш ҳуқуқи асар муаллифларидан сотиб олинмоқда, — дейди лойиҳа раҳбари Меҳриноз Аббосова. — Хориждаги нашриётлар билан ҳамкорлик қилишда қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Улар бизга хайрихоҳлик билдирса-да, асарларини шунчаки беришни истамаслиги табиий. Муаллифлик ҳуқуқларини сўраш, лойиҳанинг мақсад, вазифаларини тушунтириш ишлари олиб борилди. Олимлар, адиблар, ноширларга чиқилиб, ҳар битта китобдан фойдаланиш ҳуқуқи сотиб олиняпти.

> Ҳозир ҳаётимизга сунъий интеллект кириб келмоқда. “Мутолаа” лойиҳасининг ҳар бир босқичида сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу иш тезлигини оширибгина қолмай, сифатини ва кўламини ҳам анча яхшилайди.

Таржима учун китобларни танлашда долзарблиги, ёшлар интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишдаги аҳамияти, муаллиф шахсининг халқаро майдонда тутган ўрни, китобни чоп этган нашриёт мавқеи, китоб ҳақида мутахассислар муносабати ўрганиб чиқилмоқда. Илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда тажрибали ва етакчи олимлардан иборат таркибда тузилган экспертлар кенгаши ана шу мезонлар асосида китоблар рўйхатини шакллантирмоқда.



Лойиҳанинг бошланғич босқичларида муқаддима китоблар, қўлланмалар, дарсликлар, умуман, соҳани таништирадиган китоблар таржима қилиниши назарда тутилган. Бунда айрим умумий мезонларга амал қилинади. Масалан, харажати қопланмагани учун хусусий нашриётлар чоп этмайдиган, аммо жамият учун зарур китоблар бор. Ана ўшаларга эътибор қаратиляпти.

Китоблар тили ва ифодаси содда, номутахассис бўлса ҳам ўқувчилар тушунадиган бўлиши шарт. Китоб тили соддароқ бўлса-да, илмий асоси бўлиши, соҳа бўйича етакчи мутахассислар томонидан ёзилганига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар нафақат билим бериши, айни пайтда мустақил ва танқидий фикрлай олиш малакасини шакллантиришга хизмат қилиши устувор мақсад бўлиб қолмоқда.

Лойиҳа доирасида чоп этилган китоблар экспертлар кенгаши тавсиясига кўра, ахборот-кутубхона муассасалари, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кутубхоналарига етказилади.

Мақсад ўзбек ёшларини дунё илм-фани билан она тилимизда таништириш. Кўп гувоҳи бўламиз, институтларда ўзбек тилида илмий қўлланмалар жуда кам. Бори ҳам ўқитувчиларнинг монографиялари, мақолаларидан иборат. “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасида чоп этилаётган адабиётлар университет талабалари учун яхши дарслик бўлади. Ҳозир илмий адабиётга эътибор қаратиляпти. Кейинги босқичларда бадиий асарларни таржима қилиш кўзда тутилган. Бу ёшларга янгича тафаккур, янгича дунёқараш имконини беради.

Таржима қилинган ва чоп этишга тайёрланган китобларга доир ҳуқуқлар Ёшлар ишлари агентлиги тасарруфида қолдирилади ҳамда нашриётлар ушбу китобларни келгусида ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиши ва сотиши мумкин. Шунингдек, электрон нусхалари китобхонлар кенг фойдаланиши учун муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ва Фанлар академияси тизимидаги кутубхоналарга беғараз тақдим этилади.

“Мутолаа” — катта китобхонлик майдони

XXI асрга келиб, ёшларни китобга жалб этиш қийин масалага айланиб бораётгани сир эмас. Атрофимизни турли гаджетлар ўраб олаётгани, чалғитувчи нарсалар тобора кўпайиб кетаётгани китобхонлик даражамизга ҳам путур етказмай қолмаяпти. Шундай вазиятда бутун мамлакат ёшларини китобга қизиқтирадиган, қамраб оладиган, қулайлиги ва ўзгачалиги билан ажралиб турадиган каттагина платформага эҳтиёж сезилади. Ана шундай китобхонлик майдони яратилди ва кутилган натижага эриша бошлади. Бу Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган “Мутолаа” лойиҳасидир.

Лойиҳани ташкиллаштириш ва ривожлантиришда кундалик ҳаётимизда энг кўп ишимиз тушадиган қўлимиздаги гаджетлардан самарали фойдаланилган. Яъни лойиҳа илова шаклида бўлиб, қурилмага юклаб олинади ва доимий ҳамроҳимизга айланади. Ҳозирги кунда иловани 550 мингдан ортиқ киши юклаб олган. Бу кўрсаткич кундан кунга ортиб бормоқда.

Бир миллион китобхоннинг китоб ўқишига имконият яратиш, ўзбек адабиётини хорижга экспорт қилиш, болалар адабиёти бозорини яратиш лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсаддир.

Лойиҳа бугунги кунда ёшлар кўп қимматли вақтини телефонда ўтказиб, китоблардан узоқлашгани, китоблар адади ёшлар сонига нисбатан сезиларли равишда камлиги, кутубхоналар етишмаслиги, электрон китобларнинг тарқоқлиги ва сифатсизлиги, ўқишли аудиокитоб яратиш тизими йўқлиги ва китобхонликка замонавий ёндашилмай келинаётгани, болалар адабиёти инқирози каби муаммоларга чиройли ечим излайди.

— Ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини бир иловага жамлаш, таниқли сухандон ва дубляж усталари ёрдамида асарларни аудиолаштириш, болаларга оид асарларни ёшга қараб ажратиш, “китоб-кино” каби йўналишлардан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда китобхонлик тарғиботини кенг ёйиш орқали айнан шу муаммоларга ечим топилади, — дейди лойиҳа раҳбари, Эдинбург университети магистри Сирожиддин Олимов.

Ҳозиргача иловага 500 дан ортиқ аудио ва 1500 электрон китоб жойлаштирилди. Замон талабига мос аудиокитобларга катта эътибор қаратиляпти. Боир Холмирзаев, Дилдора Рустамова, Наргиза Мирзаева, Элбек Мирзоҳидов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Маҳмуд Исмоилов, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Муслима Муродова каби истеъдодли актёрлар ва сухандонлар китобларни аудиолаштиряпти. Бу орқали китобхонлар энди кўчада, транспортларда, меҳнат жараёнларида ҳам илм-маърифатдан баҳраманд бўлиши ва ҳар дақиқасини мазмунли ўтказиши таъминланади.

Лойиҳада болалар адабиётига ҳам алоҳида урғу берилади. Бу йўналиш бўйича яхши асарларимиз, тан олиш керак, бармоқ билан санарли. Ушбу оғриқли нуқтамизга барҳам бериш мақсадида “Мутолаа”да махсус болалар бўлими ташкил этилган. Бу бўлимда болалар тарбияси, дунёқараши, савиясини ривожлантириш учун нимаики керак бўлса, барчаси топилади. Бундан ташқари, “Болалар ижодкорлари мактаби”ни яратиш йўлга қўйилди. Мақсад лойиҳа доирасида ёш ижодкорлар жамоасини ташкил этиш, улуғ аждодларимизнинг болаликдаги сиймолари акс этган китобларни кўпайтириш ва замонавий-миллий қаҳрамонларни яратишдир.

“Мутолаа”нинг эътироф этишга арзигулик яна бир жиҳати борки, бу ҳаммага бирдек манзур бўлиши аниқ. “Китоб-кино” рукнидаги янгича ёндашув ташкил этилди. Яъни китобларнинг мазмунини бузмаган ҳолда унга фильм ишлаш йўлга қўйилди. Мисол учун, Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” асари асосида 30 дақиқали ҳужжатли бадиий фильм суратга олинди ва томошабин эътиборига ҳавола этилди. Фильм кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Ҳозир ҳаётимизга сунъий интеллект кириб келмоқда. “Мутолаа” лойиҳасининг ҳар бир босқичида сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу иш тезлигини оширибгина қолмай, сифатини ва кўламини ҳам анча яхшилайди.

— Мисол учун, иловага юкланган барча китоб муқовалари сунъий интеллект томонидан яратилган, — дейди Сирожиддин Олимов. — Китобларни Pdf шаклидан Epubга ўтказишда, таҳрирлашда ҳам унинг хизмати катта. Бундан ташқари, китобларни аудиолаштиришда овозни клонлаштириш интеграцияси ҳам анча такомиллаштирилди. Бу нима дегани? Энди сиз бир асарни турли овозларда, энг ҳайратланарлиси, марҳум ижодкорлар овозида ҳам тинглаш имконига эга бўласиз. Бу жараёнда, албатта, овозларнинг муаллифлик ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратилади.


* * *

Ҳар қандай давлатнинг, мамлакатнинг, халқнинг ягона нажоти илмда. Шундай экан, илм учун ягона восита китоб ва китобхонликдир. Ҳамиша шундай бўлиб қолади. Юқорида тилга олинган икки лойиҳа фикрат оламига элтувчи энг яхши йўл бўлади ва сиз китобхонга энг яхшиларини илинади.

Тажриба

АРУНДО ДОНАКС ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОСИГА ЕЧИМ БЎЛА-ОЛАДИМИ?

Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 600 минг гектарда тажриба тариқасида ноёб ўсимлик — арундо донакс экилмоқда. Ушбу амалиёт Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти профессори Зиновий Новицкий бошчилигида олиб борилмоқда.



— Орол денгизи тубидаги қуриган ер майдони 6 миллион гектарни ташкил этади. Ушбу ҳудуддан йилига 150 миллион тонна тузли чанг-тўзон ҳавога кўтарилиб, минглаб километргача учиб боради. Натижада минтақада кучли экологик инқироз юзага келмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Зиновий Новицкий. — Албатта, ушбу муаммога ечим топиш мақсадида бир неча йиллардан буён тинимсиз меҳнат қилинмоқда. Ҳар йили Орол денгизи қуриган тубида 100 минг гектарли “яшил қопламалар” яратилмоқда. Жорий йил қиш-баҳор мавсумида мазкур ҳудудда жами 112 минг 502 гектар майдонда ўрмон мелиорация ишлари бажарилди. Шундан 109 минг 443 гектарда уруғдан, 3059 гектарда кўчатдан ўрмонзорлар барпо этилди. Шу билан бирга, бу ерларга арундо донакс ўсимлигини экишни бошладик. Ҳозир ўсимликлар 1 ойлик. Улар қурғоқчиликка чидамли бўлгани боис, оғир чўл шароитида ҳам 4 метргача ўса олади.

Унинг экиш технологияси ноёблиги шундаки, экиш жараёнида кўчатлар ўрнига илдиз куртаклари ўтказилади. Ушбу ўсимлик тузли шамолларнинг олдини олади, поясидан қурилиш ва тўқимачиликда кенг фойдаланилади.

Шунингдек, уни ем-хашак сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Арундо донакс кўп йиллик қамиш бўлиб, уни гигант қамиш, карризо, арундо, испан қамиши, Колорадо дарёси қамиши, ёввойи қамиш деб ҳам аташади. Ушбу ўсимлик намли, тузли, ботқоқли, чўл ва қўриқ жойларда ўсади. Арундо донакс одатда 6 метргача ўсади. Поялари диаметри 2-3 сантиметр. Қулранг-яшил, қиличсимон барглари навбатма-навбат жойлашган. Узунлиги 30-60 сантиметргача, эни 2-6 сантиметр. Умуман олганда, ўсимлик оддий қамишга ўхшайди. Экилгандан сўнг тупроққа 1 метргача чуқур кириб борадиган тугунли ер ости толалари орқали вегетатив равишда кўпаяди. Узунлиги 5 сантиметрдан кам бўлган поя ва илдизпоянинг бўлаклари битта тугунга эга бўлиб, турли шароитларда осон униб чиқиши мумкин.

Ёзи қуруқ, қиши эса юмшоқ бўлган мўътадил иқлимли ҳудудларда март ойи атрофида улкан қамишнинг янги куртаклари пайдо бўлади. Июнь ва июль ойларида тез ўсиб, поя ва барглар ҳосил қилади. Июль ойининг охиридан пастки барглар мавсумийликка қараб қурий бошлайди. Қуриш кузда тезлашади. Октябрь ойи бошидан ноябрь ойи охиригача гуллайди. Ушбу фенологик босқичда намлик миқдори сезиларли даражада пасаяди. Қишда паст ҳароратларда улкан қамиш ўсишни тўхтатади. Қайта ўсиш баҳорда содир бўлади. Гигант қамиш Марказий Европада бир йиллик ўсимлик сифатида маълум.

— Агар танланган ерларда ўсимлик томир отиб, тутиб кетса, лойиҳани давом эттирмоқчимиз, — дейди Зиновий Новицкий. — Бугунги кунгача денгиз тубида 1 миллион 830 минг гектар жойда саксовул, қандим, черкес каби чўлга чидамли ўсимликлар экилди. Энди улар ўсмайдиган жуда шўрланган ерларга арундо донакс экиб, тажрибадан ўтказяпмиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шукуҳ





Кўнгил Ҳажга отланганда...

Ҳар бир иш чин ихлос ва ишонч билан қилинган ниятдан бошланади

Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари

Ҳажга боришни кўпчилик орзу қилади. Шуни истаган кўнгилга эзгулик уруғи қадалади. Аммо зиёратга бориш шартлари орасида шахснинг маънавий етуклиги алоҳида қайд этилган. Хўш, маънавий етуклик нималарда акс этади?

Узоққа бормайлик. Илгари хонадонларда кунора тандир-тандир нон ёпилган. Сиртдан қараган одам шунча нонни ким ейди, дейиши мумкин. Бироқ момоларимиз, оналаримиз ёпган нон сочиқ ёки дастурхонга ўралиб, қишлоқнинг у чеккасидан бу чеккасигача тарқатилган. Тансиқ таом қилинса, албатта, беморлар, якка-ёлғизлар, ўзгалар парваришига муҳтожларга улашилган.

Шу ўринда фарзандларидан бирининг Абдулла Қодирий ҳақидаги бир хотирасини эслайлик. Бир ўғли адибдан велосипед олиб беришни илтимос қилади. Шунда ёзувчи маҳаллада ҳамманинг ҳам велосипед олишга қурби етмайди, сенга олиб берсак, бошқаларнинг кўнгли ўксиб қолиши мумкин, дейди.

Ҳа, кўнгил учун ўлмоқ керак! Ўзганинг дилини оғритиб қўйган инсон ҳажга кетиши олдидан кечирим сўраб бориши бежиз зарурат ҳисобланмайди. Ҳаж амалининг маънавий асосида ота-боболаримиз, момоларимиздан қолган энг гўзал урф одат ва қадриятлар ётибди, десак муболаға бўлмайди.

Уйимизга меҳмон келса, қўшни таом кўтариб, меҳмонни йўқлаб чиқади. Сизнинг меҳмонингиз — бизнинг меҳмон, дейди. Бу гап замирида мезбоннинг қўни-қўшни, маҳалла олдида обрўси борлиги ҳам акс этади.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор ривоят қилади: бир киши доно одамнинг олдига келиб: “Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмон? Буни қандай билса бўлади?”, деб сўрабди. Оқил киши бундай жавоб берибди: “Қўшниларингдан сўра, агар улар сени яхши, деса, демак, яхшисан”.

Бир ишни бошлашдан аввал маҳалла-кўй нима дейди, деб ўйлашнинг ўзи ҳар биримизнинг ҳаётимиз маҳалла билан, инсоний фазилатларимиз ва қадриятларимиз билан боғлиқлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг муқаддас ҳаж зиёратига кетган минглаб юртдошларимиз ҳолидан хабар олиши ҳам ана шу гўзал қадриятларимизга бориб тақалади. Кундалик режаси давлат юмушлари билан тиғиз бўлган давлатимиз раҳбарининг муқаддас ҳаж амалини бажариб турган юртдошларимиз ҳолига бефарқ эмаслиги инсоний фазилатларнинг, ғамхўрликнинг юксак амалий намунасидир.

Қани айтинг-чи, қай биримиз минглаб ҳожиларимизнинг она Ватанимиз тинчлигини сўраб қилган дуоларида бир неча сония бўлса-да эсланмадик? Қай биримиз дуо билан эл кўкаришига шубҳа қилдик?!

Ҳаж сафарига кетгунга қадар бир оиланинг ҳолидан хабар олган киши қайтиб келгач, бир неча оиланинг ҳолидан хабар олишга уринади. Зеро, бир инсоннинг кўнглини обод қилиш Каъбани обод қилишга тенглаштирилгани бор гап. Бироқ умра ёки ҳаж зиёратидан қайтган айримларнинг ҳовлисида ёки ресторанларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган дабдабабозликка йўл қўяётганини ижтимоий тармоқларда кўриб, нафақат биз, балки бутун дунё аҳли лол қолаётир. Бундай кимўзарлигу хўжакўрсин бизга қачон юқиб улгурди?

Кўплаб ҳожиларимиз зиёрат чоғида хорижликлар томонидан Имом Бухорий авлодлари сифатида эҳтиром этилганини эшитганмиз. Маданияти, илм-фандаги оламшумул кашфиётлари билан дунё тамаддунига ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Фарғоний авлоди эканимиздан фахрланамиз. Хўш, бугун фарзандимизга битта китоб сотиб олиб беришга оғринсагу, хўжакўрсинга дошқозонда ош дамлаб, тарқатсак, ким деган одам бўламиз?.. Қўшнимиз, маҳалладошимизнинг фарзанди олий маълумот олиш учун шартнома пулини тўлашга муҳтож бўлиб турса-ю, биз ҳали дунёни англамаган чақалоқни қиммат машинада етти маҳаллага донг таратиб туғуруқхонадан олиб чиқсак... Отасиз ёки онасиз қолган бола кўчада майда-чуйда ўғирлаб вояга етаётган бўлса-ю, уни кўриб-кўрмаганга, эшитиб-эшитмаганга олсак...

Биз Имом Бухорий авлодларимиз. Бироқ алломанинг “Ал-адаб ал-муфрад” ҳадислар тўпламини, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳ ул-ғофилин”ини, Имом Ғаззолийнинг “Мукошафат ул-қулуб”ини, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”ини нега ўқимаймиз? Абу Наср Форобийнинг юксак инсоний фазилатлар тараннум этилган “Фозил одамлар шаҳри”ни ёддан билсак, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг ўнлаб асарларидаги одоб-ахлоқнинг гўзал намуналарини англашимиз, хулқимизга, ҳаётимизга кўчиришимиздан, уларга ўхшаб, эл дарди, фарзанд тарбияси, маърифат улашиш бахти билан яшасак, бизни ким тўхтатиб қолади?



Биргина маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон Ибратни олайлик. У чет эл ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишиш истагида Жидда, Истанбул, София, Рим, Афғонистон, Арабистон, Ҳиндистон, Хитой, Кошғар каби мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилиб, Наманганга қайтгач, отасидан қолган катта ерни боғ қилиб, фаввора қурдиради, дарахтлар экиб, хиёбон яратади. Европа услубида ҳашаматли иморат қурдириб, аркига “Хуш келибсиз, Исҳоқия боғига” деб ёздириб қўяди. Тўрақўрғонликлар учун яратилган бу боғни туман аҳли ҳозир ҳам шу ном билан атайди.

Хорижий тилларни ўрганган Ибрат ватандошларига тушунча ва сабоқ бериш истагида олти тилни ўз ичига олган “Луғати ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) асарини ёзади. Илғор педагог сифатида ўз уйида янги усулдаги мактаб очиб, қишлоқ болаларини ўқитади. Оренбургдан катта машаққат билан аввал поездда, кейин туяларда ускуна олиб келиб, босмахона ташкил қилади. У юрт зиёлисига хос умр кечиради.

Ўзга элдаги ҳожи ота-оналаримиз учун шунча шароит яратилгани нафақат уларнинг дуосини олиш, балки улар ҳақида ватан қайғураётганини англатиш ҳамдир. Улар ортида Ўзбекистон турганини ҳис этгани учун қилинган саъй-ҳаракатдир. Бундай шарафга муяссар бўлган юртдошларимиз мамлакатимиз остонасига қадам қўйиши билан, энг аввало, ҳар қандай дабдабабозликка чек қўйишига аминмиз. Дилларига тугиб қўйган эзгу тилакларини халқ билан баҳам кўрадилар. Зеро, ҳожилик мақоми энг гўзал инсоний фазилатлар билан зийнатланганини кўрган ёш авлод эртага улар каби бўлишга, дуоларини олишга интилиши шубҳасиз.

— Ҳажга бориб-келишга пулим етади, лекин қайтиб келганимдан сўнг халққа дастурхон ёзишим учун бир оз маблағ керак, — деб қолди бир танишим. Эшитиб, ҳайратимни яширолмадим. Шунда у “Ҳамма қиляпти-ку”, деди.

Жамиятда турфа инсон бор. Ҳаж зиёратига боришнинг моҳиятини англамаган, ҳожилик мақомини тушунмаганлар турли саъй-ҳаракатларга бош бўлса, қолганларнинг ҳам улар ортидан эргашиши нечоғлик тўғри?

Бугун юртимиздаги ислоҳотларнинг асосий негизи ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, халқимизнинг давлатдан рози бўлиб яшашига эришиш каби эзгу амаллар рўёбига қаратилган. Шу билан бирга, ушбу ислоҳотлар замирида аждодларимизнинг илмий-маънавий мероси ва шонли тарихимизни чуқур ўрганиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар қилиш, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, ёшларимизнинг илм олиши учун муносиб шарт-шароит яратиш орқали истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, диний-маърифий соҳада изчил ислоҳотлар олиб бориб, халқимизнинг бу борадаги орзу-истакларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсадлар мужассам.

Кишиларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, кам таъминланган ва алоҳида парваришга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиши, мурувват кўрсатиши, хайр-эҳсон қилиши қадриятларимизнинг ўзагини ташкил этади. Бинобарин, муқаддас динимиз ҳам барчани шунга ўргатади ва шу йўлга бошлайди. Бу эса халқимизнинг азалий умуминсоний фазилатларидан.

Бугун маҳаллада ишлаш тизимини мутлақо янги механизм асосида ташкил этишга қаратилган “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди. Янги Ўзбекистон маҳалладан бошланаётган, халқ розилиги учун барча юқори ташкилот маҳаллага туширилаётган бир пайтда ҳою ҳавасга берилишимиз қайси ислоҳотга хайрихоҳлигимизни кўрсатади. Халқимиз орасида сайқал топган бир гап бор: “қарс икки қўлдан чиқади”. Бугун юртнинг зиёлилари, ҳожилари — маърифатпарварлари маҳалладаги шунча саъй-ҳаракатга “лаббай” деб жавоб бермас экан, ислоҳот маҳалладан, ҳар биримизнинг инсоний фазилатларимиздан бошланмас экан, биз истаган порлоқ келажакни ўз қўлимиз билан ортга сурган, шунча катта имкониятни бой берган бўламиз.

Соҳибқирон Амир Темур қанчалар тақводор бўлганини биламиз. Унинг зурриёти Ҳусайн Бойқаро ҳаж сафарига кетаётган Алишер Навоийни мамлакат ишлари туфайли тўхтатиб қолгани ҳақида манбаларда келтирилган. Навоийнинг йўл таъмирлаш, кўприк қуриш, сув чиқариш, мактаб ва мадрасалар қурдириш каби эҳсонлари ҳақида ҳам эшитганмиз. Бу буюк инсоннинг ҳаж зиёратига бориш вақти ва маблағи бир элнинг ташвишини ҳал этишга, мамлакат подшосига елкадош, ҳаммаслак бўлиб, салтанат ишларида кўмаклашишга сарфланган бўлса, бу тақдир Навоийнинг номини асрларга муҳрлаб қўймадими? Унинг гўзал маънавий дунёси ҳанузгача зиё таратмаяптими?

Ибрат олишимиз лозим бўлган тарихимиз ҳам, аждодларимиз мероси ҳам бисёр. Фақат маърифат йўлидан юришимиз, олдимизга қўйган улкан мақсадни амалга оширишда салмоқли вазифаларни бажаришимиз зарурлигини англаб етишимиз даркор.

Ҳар сафар машинага ёнилғи қуйдирганимизда йўл солиғи тўлаймиз. Қонун бўйича кўчалар мана шу пул ҳисобидан асфальт қилиниши кўзда тутилган. Бироқ атрофимиздаги турли иллатларни бартараф этиш учун маънавий эҳтиёжни тўлдириш лозимлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрамизми? Машинага ёнилғи қуймасангиз, юрмайди. Жамият ҳам шундай: фуқароларни тарбияламас эканмиз, кўзлаган манзилимизга машинани сургандек, суриб кетишимизга тўғри келади. Аммо бу бизни ҳолдан тойдириши турган гап.

Ҳар бир иш чин ихлос, ишонч билан қилинган ниятдан бошланади. Биз янги Ўзбекистонни маърифатли жамият, инсон қадри улуғланувчи давлат сифатида барпо этишни мақсад қилганмиз. Учинчи Ренессанс пойдевори зиёлилар саъй-ҳаракати билан мустаҳкамланади. Маърифатпарвар боболаримиз таъкидлаганидек, тилда, фикрда, ишда бирлик бўлса, йўлларимиз равон бўлажак. Қаерда ёши улуғ одам кўрсак, қаерда илм аҳлини кўрсак, дуо сўраганмиз. Холис ният билан сўраб қилган дуоларимиз ижобат бўлади.

Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний” асарида жамиятнинг одоб-ахлоқ билан зийнатланиши учун ҳаракат қилиш ва инсонларнинг турли муаммоларига дардкаш бўлиб, ўзини эзгу ишларда масъулиятли ҳис этиш мусулмон кишининг мақсади эканини қайд этади.

Зеро, бугун чин мусулмонлигимиз яхши амалларимиз, халқпарварлигимиз, маърифатпарварлигимиз билан баҳоланади. Президентимиз таъкидлаганидек “Кучлилар — ожизларга, саховатпешалар — муҳтожларга ёрдамчи, ёшлар — қарияларга ғамхўр бўлсин. Динимизда белгилаб берилган тўғри йўлдан оғишмайлик, айни пайтда замон билан ҳамнафас яшайлик. Ёшларимиз билимлари билан жаҳонга танилиб, юртимиз довруғини юксакларга кўтаришсин”.

Инсоннинг танасидан аввал кўнглининг ҳажга интилиши бежиз бўлмаса керак. Муқаддас зиёратга бориш истаги кўнгилга тушиши билан инсон чиройли амалларга ҳаракат қила бошлайди.

Бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнгли муқаддас зиёратгоҳга интилса, кўнгиллар обод бўлади, гўзал фазилатли инсонлар сафи кенгаяди. Янги Ўзбекистон сизу биздан юрт тинчлиги, маҳаллаларда осойишталик бўлиши, фарзандларимиз камоли йўлида бирлашишимизни, эзгу ниятларимизни амалга оширишда якдил бўлишимизни сўрайди.

Нуқтаи назар



НАТИЖАДОРЛИК, УЗВИЙЛИК ВА СИФАТ КАФОЛАТИ

Муҳайё ИСМОИЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳри бўлими раҳбари

Юртимизда Қурбон ҳайити бу йил ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳда нишонланди. Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж амалларини бажарди. Ҳозир ҳам ўзбекистонлик 15 минг зиёратчи муқаддас қадамжоларда ибодатларини адо этиб, юртга қайтиш тараддудида.

Ҳайит байрами арафасида давлатимиз раҳбарининг Маккаи мукаррамада бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқоти бу йилги ҳаж мавсумининг унутилмас воқелиги бўлди.

Мусулмон оламида азалдан ҳожилик улуғ мақом ҳисобланиб, бу мақом эгалари ўз комиллиги, соғлом эътиқоди, маънавияти, инсонийлиги, эзгу амаллари билан, қолаверса, атрофдагиларга ҳам ушбу амалларни тарғиб этиши билан бошқаларга намуна бўлган.

Қурбон ҳайити муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган табригида: *“Умид қиламизки, ҳожиларимиз Ватанимизга қайтгач, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ҳамда оилалар тотувлигини кучайтиришда ибрат ва намуна кўрсатадилар”*, деб юксак ишонч билдирилди.

Глобал ўзгаришлар, ғоявий таҳдидлар, тинчлик ва осойишталикка бўлаётган салбий таъсирлар кучайган айни дамда ҳожиларимиз олдига қўйилаётган бу масъулиятли вазифалар жуда муҳимдир. Чақирув, ўз навбатида, ҳаж зиёратини адо этаётган юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди. Ўзбекистон мусулмонлари Президентимиз даъватига “лаббай” деб, мурожаат йўлладилар. Унда ҳожилар юртга қайтганимиздан кейин янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз, деган эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлашларини билдирди. Жонажон халқимизни бугунги мураккаб замонда бирлаштириб, она Ватанимиз тараққиётига холис хизмат қилиш, маҳалламизда адашганлар бўлмаслигига эришиш каби улкан мақсадлар йўлида шижоат кўрсатишга сўз бердилар.

Шунингдек, ҳаж арафасида муфтий Нуриддин Холиқназарнинг зиёратдаги юртдошларимиз ҳузурида чиқиш қилганига гувоҳ бўлдик. *“Ҳожилик риё учун бўлмаслиги керак. Ҳожи дегани, бу, биринчидан, ибодатини бажарди, фарзини бажарди, гуноҳлардан қутулди, энди у намуна бўлади, дегани. Шундай экан, ҳожи акалар, ҳожи оталар, ҳозир уйингизга қўнғироқ қилинг, болангизга айтинг: “Болам, мени дабдаба билан кутиб олсанг, рози бўлмайман. Биз риё учун ҳожи бўлмаймиз, Аллоҳ учун ҳожи бўламиз”, денг. Қанчадан қанча фақирлар, камбағаллар бор юртимизда. Уларнинг ҳолидан хабар олайлик, ҳожилик мақомига муносиб иш тутайлик”*, дея муфтий Ўзбекистонга қайтмасданоқ ҳақиқий “маънавият тарғиботчи”си сифатида фаолиятини бошлаб юборди.

Дарҳақиқат, кишилик жамияти пайдо бўлибдики, дин одамларни эзгулик, комиллик ва инсонпарварликка чорлаб, зарарли одатлар ва бошқаларга озор бериш каби ёмон иллатлардан узоқлаштирувчи асосий воситалардан бири бўлган. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборий курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришда ҳожиларимиз “маънавият тарғиботчиси” сифатида сафимизга шахсан давлатимиз раҳбари томонидан таклиф қилиниши келгусидаги ишларимиз натижадорлиги, узвийлиги ҳамда сифатини кафолатлайди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2123.
44065 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:15 Топширилди — 00:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05